

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Рақобатда ютиш учун

Финляндиянинг қўл телефонлари ишлаб чиқарувчи машҳур «Nokia» компанияси ўз маҳсулотлари нархини янада арзонлаштиришини маълум қилди.



«Reuters»нинг хабар беришича, компания, хусусан, фотокамера ва мусика плеери билан жиҳозланган русумларнинг нархини 10 фоизгача туширади. Буларга «5310», «5610» ва «N81» русумларини киритиш мумкин. Таъкидлаб ўтамиз, жаҳон уяли алоқа бозорига сотиладиган қўл телефонларнинг 40 фоизи «Nokia»га тегишлидир.

Кузатувчилар компания ўзининг асосий рақиб бўлган «Sony Ericsson»ни «синдириш» учун шу йўлни танлаганини айтиб ўтишган.

Кучли бўрон содир бўлди

Франция шимолида торнадо (кучли бўрон) содир бўлди.

«France Info» ахборот агентлигининг хабарига айтилишича, табиий офат Омон шаҳрига жиддий зиён етказган. Шунингдек, табиатнинг бу инжиқлиги уч кишининг ҳаётига зомин бўлган ва яна тўрт нафар инсон турли даражада тан жароҳати олган.

Торнадо келтирган иқтисодий зарар ҳақида бирон-бир маълумот берилмаган.



Портлаш оқибати

«The New York Times» газетаси Сомали давлати пойтахти Могадишо шаҳри кўчаларидан бирида кучли портлаш содир бўлганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Газетада ёзилишича, портловчи модда ахлат ташланадиган қўтиларнинг ичига жойлаштириб кетилган. Портлаш тўғрисида кўчаларни тазалаётган 15 нафар фаррош аёл қурбон бўлган.

Хунрезлик ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилганлиги тўғрисида маълумот йўқ.

Солженицин вафот этди



Якшанбадан душанбага ўтар кечаси таниқли рус ёзувчиси Александр Солженицин 90 ёшида юрак хасталигидан вафот этди.

Александр Солженицин Ростов университетининг физика-математика факультети ҳамда Москва тарих, фалсафа ва адабиёт институтида таъсил олган. Шунингдек, у халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Фавқулодда қўндирилди

Мўғлистон авиакомпаниясига тегишли «Boeing-737» самолёти Иркутск шаҳри аэропортига фавқулодда қўндирилди. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Улан-Батордан Иркутска парвозни амалга оширган самолёт ноқулай об-ҳаво таъсирида шундай вазиятга тушиб қолган. Иркутск аэропорти матбуот хизмати таъкидлашича, «Boeing-737» қўниш вақтида унинг бортидаги йўловчиларга ҳеч қандай зиён етмаган.

Ишсизликка сабаб...

Бугунги кунга келиб АҚШ аҳолисининг 5,7 фоизи ишсизлик мақомини олган.

«Bloomberg»нинг хабарига келтирилишича, бундай юқори кўрсаткич сўнгги тўрт йилда биринчи бор кузатилиши. Мамлакат Меҳнат вазирлиги берган маълумотларда бу рақам июнь ойида 5,5 фоизга тенглиги таъкидланган. Мутахассислар ишсизликнинг бу даражада ўсиб бориши жаҳон бозорига нефть



ва ёнғили маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиши билан боғлиқ дейишмоқда. Мамлакатдаги кўпгина компаниялар харажатлари ошиб кетаятгани боис ходимлар сонини қисқартиришга мажбур бўлмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Америкада 463 минг иш ўрни йўқотилган.

Сармоя миқдори катта


Руперт Мердок бошқарувидаги «Star Group Ltd» компанияси Хиндистонга 100 миллион АҚШ долларини миқдорда сармоя киритишни режалаштиргани маълум қилди. Бундан кўзланган мақсад, бу ерда олти янги минтақавий телевиденини ишга туширишдир.

Мердокнинг сўзларига қараганда, ушбу режа кейинги йилда амалга оширилади. Таъкидлаш жоиз, «Star Group Ltd» дунё бўйича 60 дан ортиқ минтақавий телевидениеларга эгалик қилади. Айни пайтда Осиё китъасининг 53 давлатида компанияга қаршли телетармоқнинг 300 миллионлик аудиторияси бор, дея келтириб ўтган «Associated Press».

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

SIRUBA

2411500 1848325 1848326



ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора йўқолиб бормоқда. Сабаби, кейинги йилларда ободончилик, аҳолига етарли шарт-шароит яратиб бериш борасида жуда

катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу пайтга қадар оддий акушерлик-фельдшерлик пункти бўлмаган узок қишлоқларда ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

— Бугун халқимиз мустақиллик неъматидан баҳраманд, унинг сарчашмаларидан сармаст, хурликда, озодликда яшамоқда, турмуш фаровонлиги янада яхшиланиб борапти, — дейди Оқдарё туманидаги Жарқишлоқда яшовчи меҳнат фахрийси Темурали Бўлаков. — Қишлоқимизда фуқаролар учун ҳамма шарт-шароит мўжзаёй. Врачлик пункти фаолиятдан кўнгилмиз тўқ.

Дарвоқе, Истиклолимизнинг дастлабки йилларидаёқ бошқа соҳалардаги каби табиий тизимда ҳам Президентимиз раҳнамолигида улкан ислохотлар бошлаб юборилган эди. Юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонидан

сўнг тизимдаги янгиланишлар янада жадаллашди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби Самарқанд вилоятида ҳам табиий соҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Буларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бир қирраси қишлоқ врачлик пунктлари тизимини намоеён бўлади. Маълумки, табиий хизматнинг бундай турини ташкил этишдан мақсад врачлик хизмати одамларга яқинлаштириш эди.

Шаҳарда 330 ўринли республика Шоишлинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг филиали ташкил этилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда 22 та клиник бўлим бўлиб, тўрт турдаги — нейрореанимация, жароҳлик реанимацияси, соматик реанимация ва болалар реанимацияси хизматлари йўлга қўйилган.

Кўрсатилаётган малакали табиий хизмат сифатини ошириш мақсадида шифо маскани

Тиббиёт

ни мониторлар, эндоскоп, УЗИ-сканер, компьютерли томограф, гемодиализ ва бошқа замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, филиал Исом Тарақийёт банки томонидан 2 миллион АҚШ доллари миқдориди рақамли стоматологик ва портатив рентген аппаратлари, операция столлари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Шу ўринда туғуруқ мажмуаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш ло-

зим. Натижада хизмат кўрсатиш тегишли тартибдаги «Бехатар оналик», «Она ва болага дўстона муносабат» тамойиллари асосида ташкил этилмоқда. Вилоятнинг Пахтачи, Нарпай, Каттакўрғон, Пастдарғом, Оқдарё, Пайарик, Булунғур туманларида туғуруқ мажмуалари тўлиқ реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди.

Айниқса, Самарқанд шаҳридаги 1-туғуруқ мажмуида катта ҳажмдаги қурилиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани алоҳида таъкидлаш лозим. Аввало, шифохона янги бинога кўчирилди. «Меҳрури» жамғармаси томонидан туғруқхона 270 минг АҚШ доллари миқдориди замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда Самарқанд тумани туғуруқ мажмуаси халқаро грант асосида 70 минг АҚШ доллари миқдориди табиий асбоб-ускуналарга эга бўлди.

Вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида амалга оширилган янгиланишларни мамнуният билан тилга оламиз. Бу ерда «Болалар ва ўсимирлар репродуктив саломатлиги маркази» барпо этилди. Унинг Халқаро аҳолишунослик жамғармаси томонидан 300 минг АҚШ доллари

миқдориди асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани болалар саломатлиги йўлида қилинган муҳим ишлардан бири бўлди.

Бугина эмас, болаликдан ногирон туғилишининг олдини олиш, янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа хасталикларни эрта аниқлаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги вилоятлараро «Она ва бола» скрининг маркази Япония гранти асосида умумий қиймати 14 минг АҚШ доллари миқдориди юқори технологияли тиббий жиҳозларга эга бўлди. Ҳар бир шаҳар ва туманда ҳомиладор аёллар ҳақида чақалоқлар скрининг текширувидан ўтказишни таъминлайдиган янги тизим яратилди. Бундай тадбирлар тўғрисида маълумотлар билан туғилаётган чақалоқлар сони икки бараварга камайди.

Буларнинг барчаси пировард натижада одамларга тиббий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, халқимизнинг турмуш тарзини оқсатириш, соғлиқ ва омонлик билан ҳаёт кечиришга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

А. САТТОРОВ. 1

«Тошкент шаҳар ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат муассасаси

ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган кимовди савдоларига шу йилнинг 22 августидан куйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган «Тошкент шаҳар ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат муассасаси тасарруфидидаги:

- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 698 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 800 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 116 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 800 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 TH 358 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 800 000 сўм.
- 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 792 бўлган «ГАЗ 322132-224» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 21 900 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар куйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темурали шоҳқўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 16-«А» уй. Телефон: 233-02-49.

Официальный дистрибьютор
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%.

а также:

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари

- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.

«POLIMER GROUP ASIA»
Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.
Web: www.powerglob.com
e-mail: info@powerglob.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

СЕРВЕР УСКУНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни (банк томонидан белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга тендер ҳужжатлари мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб 7 тақвим куни мобайнида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферта) қайси шаклда (почта ёки чопар орқали) жўнатилишидан қатъи назар, уларни қабул қилиш мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб 35 тақвим куни ўтганидан сўнг Тошкент вақти билан соат 17.00 да тўхтатилади.

Куйидаги манзил бўйича ариза шакли ва тендер ҳужжатлари олинди, шунингдек, тижорат таклифлари (оферта) жўнатилади:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темурали шоҳқўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бош маъмурий биноси.
Телефон: 234-42-95.
Интернет-сайт: www.nbu.com

Мулқот қилувчи шахс — Ҳамроқуллова Гўзал Раҳматхўжаевна.

Тадбиркорлик: ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ — ЭРКИН ФАОЛИЯТ ОМИЛИ

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, жамиятда мулкдорлар синфини шакллантирмасдан ва уни талаб даражасига кўтармасдан туриб, мамлакат иқтисодийтини, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга эришиш мумкин эмас. Бозор муносабатлари тобора шаклланаётган республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу жиҳатда алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти.

Шу мақсадда бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, шунингдек, бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар иқтисодий ислохотларнинг негизи бўлган тадбиркорлик субъектларини молиявий, ҳуқуқий, технологик ва ахборот билан таъминлашга қаратилган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори мазкур жараёнда

Жараён

муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, қарорга кўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий эркинлаштириш, солиқ юқини камайтириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида жуда кенг кўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида кичик бизнес субъектларининг янги ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40,2 фоизга ўсди. Бу ислохотлар ўз самарасини бераётганидан далolatдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан, тадбиркорларга солиқ имтиёзи берилди. Яъни, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш мuddатини ке-

чиктириш ҳуқуқини бериш тартиби жорий этилди. Бу ҳаётбахш ҳужжатнинг беқийс самарасини пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган, мулк шакли турлича бўлган субъектлар миқсолида ҳам кўриш мумкин. Дейлик, 2006 йилда Тошкент шаҳри бўйича 77 та микрофирма ва кичик корхона 567095,3 минг сўмлик, ўтган йили 83 та шундай субъект 1480293,5 минг сўмликдан зиёд, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида эса 26 та корхонанинг 128137,5 минг

сўмлик ягона солиқ тўловини тўлаш мuddатлари кечиктирилди. Табиийки, ана шу тежалган маблағлар корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни татбиқ этиш каби устувор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Сир эмас, бундан 7-8 йил аввал тадбиркорлик субъектлари турли назорат қилувчи органларнинг асосиз текширувлари оқибатида ўз фаолиятларини тўхтатган қоллар ҳам юз берганди. Ҳўш, энди-чи? Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган Фармони бундай ноҳуш ҳолатларга бутунлай чек қўйди. Хусусан, ушбу ҳужжатга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер кўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер кўжаликларининг фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширилмайди.

Давлат солиқ идоралари ходимлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ташкил этилаётган турли учрашув ва семинарлар тадбиркорларнинг бундай янгиланган хабардор бўлиши ҳамда уларни ўз фаолиятларида қўллашда муҳим омил бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий эркинлаштиришнинг устувор мақсад ва етакчи йўналишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётди.

Анифа АБДРАСУЛОВА, Тошкент шаҳар ДСБ Ҳуқуқий шахслар бўйича бюджет тушумларини назорат ва таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ортимизда оққўнги, баг-рикенг, тинчликсевар халқимиз турибди. Хар биримизнинг галабамиз — Ўзбекистон галабаси. Отларча гамхўрлик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Шу кунги Ўзбекистон спорт делегацияси Пекинга жўнаб кетиши муносабати билан пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейида тантанали маросим ташкиллаштирилди. Спортчилар, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган ушбу тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлан-

лар сони эмас, улар қўлга киритган медаллар сони ва сифати ҳам тобора юксалиб бораётгани қувонарли ҳолатдир. Мисолларга мурожаат қилайлик. 1996 йили Атлантада ўтган XXVI ёзги Олимпиада ўйинларида 76 нафар спортчимиз мусобақанинг 13 турида иштирок этди. Дзюдочи Армен Богдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов эса бронза медалини қўлга киритди. Шу тариқа жамоамиз икки юзга яқин мамлакат ичра 58-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Орадан тўрт йил ўтиб, Сидней Олимпиада-сида қатнашган спортчиларимиз битта олтин (боксчи Мухаммадқодир Абдуллаев), битта кумуш



мактабининг жаҳонда ўз ўрни бор, — дейди Афина Олимпиадаси совриндори Баҳодир Султонов. — Шунинг учун ҳар бир юрт вакиллари бизларга қарши мусобақага жиддий тайёргарлик кўради. Бу, ўз навбатида, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Ўз анъанамизга содиқ қолган ҳолда Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтишга ҳаракат қиламиз.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлнамасини қўлга киритган спортчиларимизни табриқлаб, Пекин майдонларида омад ёр бўлишини тилади. Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон боксчи Дилшод Маҳмудов кўтаради. Маросимда боксчимизга Ўзбекистон байроғи топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан спортчилар ўзларига билдирилган ишончини оқлашга сўз бердилар. — Ўзбекистон бокс

«ВАТАН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАМИЗ!»

тириш ва оммалаштиришга берилган доимий эътибор туфайли ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида катта ютуқларга эришаётганликлари яқин таъкидланди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Барселонада ўтган Олимпиадада қатнашган 17 нафар вакилимиз ўшанда Хамдўстлик терма жамоаси таркибиде майдонга тушган эди. Шунга қарамай, спортчиларимиз олтин турли даражадаги медаллар соҳиб бўлишди. Истиқлол даврида юртдошларимиз тўртта (Барселонада Хамдўстлик таркибиде қатнашганини ҳам ҳисобга олсак) ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок эттиди.

(эркин курашчи Артур Таймазов), иккита бронза (боксчилар Сергей Михайлов ва Рустам Саидов) медалларига сазовор бўлишди. Натижада умумжамоа ҳисобида 41-ўринни эгаллади. Афина Олимпиадасида (34-ўрин) етти поғона юқорига кўтарилганимиз эса юртимизда спортни ривожлантиришга юксак эътибор қаратиб келинаётганлигини исботлади. Зеро, ўша йили Александр Доктуров ва Артур Таймазов олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодир Султонов ҳамда Ўткирбек Хайдаровлар бронза медалига сазовор бўлдилар.

Пекин Олимпиадасида 58 нафар юртдошимиз юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо

(WTF), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш, трамплин, велоспорт-шосе, сузиш, академик эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби жами 15 спорт тури бўйича ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Хозирда яхши спорт формасида бўлган эркин курашчилар Дилшод Мансуров, Артур Таймазов, боксчилар Аббос Атоев, Баҳодир Султонов, Элшод Расуллов, Дилшод Маҳмудов, таэквондочилар Евгения Каримова, Акмал Эргашев ва бошқа юртдошларимиз яхши натижаларга эришишига ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлнамасини қўлга киритган спортчиларимизни табриқлаб, Пекин майдонларида омад ёр бўлишини тилади.

Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон боксчи Дилшод Маҳмудов кўтаради. Маросимда боксчимизга Ўзбекистон байроғи топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан спортчилар ўзларига билдирилган ишончини оқлашга сўз бердилар. — Ўзбекистон бокс

Тилак

Сизга оқ йўл, сизларга омад


*Оқ йўл тилаш азалий одат,
Омад тилаш руҳий саодат,
Сизга оқ йўл, сизларга омад,
Энди элнинг юзи бўлгaysиз,
Қувонч қўнган кўзи бўлгaysиз.*

*Алпомишнинг ҳур авлодисиз,
Мангуберди ёрқин ёдисиз,
Истиқлолнинг бир қанотисиз,
Ғолиб бўлиб кундай кулгaysиз,
Олқишлардан ойдаи тўлгaysиз.*

*Сизга элнинг дуоиси ҳамроҳ,
Аждодларнинг зиёси ҳамроҳ,
Беллашувда қўлласин Оллоҳ,
Мардлар ёққан чироқ бўлгaysиз,
Қўнган қўнган байроқ бўлгaysиз.*

*Юртбошининг хуш тилағи сиз,
Озод дийр ёш юраги сиз,
Эл орига энг кераги сиз,
Қадримизнинг қони бўлгaysиз,
Ўзбекистон шони бўлгaysиз.*

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.



Бу ерда ҳамширалар ўқишади

Бувайда тумани марказида янги тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. «КМК-103» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган замонавий, уч қаватли бино бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланган. Уқув хоналаридан ташқари ёппи спорт зали, 50 ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. Бу ерда 300 нафардан зиёд ёш тўрт йўналиш бўйича касб сирларини ўрганади.

Фарғона томонларда

Томошабинларга манзур

Ҳамза номидаги Кўкон мусиқали драма театри жамоаси томошабинлар эътиборига «Найман она фожиаси» деб номланган спектаклни ҳавола этди. Мазкур асар Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романи асосида саҳналаштирилган. Найман она ролини Ўзбекистон халқ артисти Ш. Раҳматуллаева маромига етказиб талқин этган.

Шунингдек, Санъат институти битирувчиси Гулрух Олимова саҳналаштирган «Қирол» спектакли ҳам театр ихлосмандларига манзур бўлди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Билиб қўйган яхши

Лаззатли таомлар тайёрлайдиган пазанданинг ошхона бисотида турфа зираворлар қаторида қорақанд ҳам бўлиши табиий.

Қора эмас, сарақанд

Қора зирк, зилол, хори зирк, барбарис деб аталувчи ушбу неъмат овқатга маза-таъм бериш билан бирга инсон саломатлиги учун фойдали хусусиятга эга. Ибн Сино таъбаотида ҳам қорақанд чанқоқи қолдирувчи, иситмани туширувчи, юракка қувват берувчи ва жигар хасталиқларига даво сифатида қўлланилган. Халқимиз ундан асаб, ошқозон, бод, сариқ касалликларига ва қон босими кўтарилганда самарали фойдаланган. Қора зирк мевалари таомларга қўшиб истеъмол қилинса, ҳазми таом осонлашади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлнамасини қўлга киритган спортчиларимизни табриқлаб, Пекин майдонларида омад ёр бўлишини тилади.

Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон боксчи Дилшод Маҳмудов кўтаради. Маросимда боксчимизга Ўзбекистон байроғи топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан спортчилар ўзларига билдирилган ишончини оқлашга сўз бердилар. — Ўзбекистон бокс

Доривор зира

Мабодо гўдагининг қорни дамлаиб безовта бўлса, бир ош қошиқ микдорда зира меваларини бир стакан сувда 5-10 дақиқа қайнатиб озгина шира қўшиб ичирсангиз, унга эм бўлади.

Халқ таъбаоти амалиётида зира меъданинг сурункали ялғиланиши, сариқ касал, буйракда тош бўлган ҳолларда таъсия этиб қўйилган. Ушбу ўсимликдан тайёрланган доридармонлар кишига қувват беради, талоқ ўсмалари ва стоматит дардларига шифодир. Бундан ташқари, асаб тизимини яхшилашда самарали хусусиятга эга.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ЯНГИЛИК



МОСКВА

бизнес класс янги тарифи

Бир томонга

330* евро ва ундан юқори.

* Такса ва йиғимлар ҳисобга олинмаган.

Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 233-27-45.

www.transaero.ru

Аккредитация сертификати № 210

skywin

Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco. 100031, г. Ташкент, ул. Афросиаб, 2, офис 14. Тел./факс (+998 71) 140-04-24, tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz

Зимний сад



Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco: - архитектура и дизайн из стекла и солнечного света; - высококачественные долговечные материалы; - оптимальная вентиляция и теплоизоляция.

Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем.

SCHÜCO

Поставка продукции только под заказ.

Шарқ яккакураши ва жанг санъати Республика маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Кикбоксинг федерацияси вице-президенти Фуломиддин Сайидахматовга палари бузруквори

ИКРОМЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«93-MAXSUS TREST» очик акционерлик жамияти жамоаси бош ҳисобчи Суфия Ашраповага волидан муҳтарамаси

РОҲИЛА янинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Abonent to'lovi

\$ 0,00

O'zR uyali aloqa operatorlaridan kirish qo'ng'iroqlari

\$ 0,00

Tarmoq ichidagi chiqish qo'ng'iroqlari so'zlashuvning 1-daqiqasidan so'ng

\$ 0,01

«Ko'proq so'zlashing» tarif rejasi

Yanada ko'prog'ini kuting

u cell

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буук Турон» кўчаси, 41. Ў.А якуни — 22.30 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6 8

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Оршов.
Набатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Набатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳад — Х. Тошқўжаев.